



Ислом Нури

Абу Айюб ал-Ансорий розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким ўн марта: «Ла илаҳа иллаллоху ваҳдаҳу ла шарика лаҳу лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодиир» деса, Исмоил алайҳиссалом авлодидан тўртта жонни қулликдан озод қилгандек бўлади» (Имом Муслим ривояти).

Абу Айюб ал-Ансорий розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким ўн марта: «Ла илаҳа иллаллоху ваҳдаҳу ла шарика лаҳу лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодиир» деса, Исмоил алайҳиссалом авлодидан тўртта жонни қулликдан озод қилгандек бўлади» (Имом Муслим ривояти).

Абу Айюб ал-Ансорий розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким ўн марта: «Ла илаҳа иллаллоху ваҳдаҳу ла шарика лаҳу лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодиир» деса, Исмоил алайҳиссалом авлодидан тўртта жонни қулликдан озод қилгандек бўлади» (Имом Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: ««Субҳаналлоҳи валҳамду лиллаҳи ва ла илаҳа иллаллоху валлоху акбар» деб айтишим мен учун қуёш нури етган барча нарсадан суюмлироқдир» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Таҳлил айтиш – энг афзал зикрлардан, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам унга тарғиб қилганлар ва ундан келувчи улкан ажрларни баён қилганлар. Зеро, унда Аллоҳнинг ягоналигини эълон қилиш ва Уни шерикдан поклаш ҳосил бўлади.



Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Ким бир кунда юз марта: «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳу лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодиир» деса, унга ўн та қулни озод қилгандек ажр бўлади;
2. Унга юз та савоб ёзилиб, юз та гуноҳи ўчирилади;
3. У шу куни то кечгача шайтондан ҳимояланган бўлади;
4. Ким бир кунда ўн марта айтса, Исмоил алайҳис-салом авлодидан тўртта жонни қулликдан озод қилгандек бўлади.